

## **А.АВЛОНИЙ, ФАННИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОИЙ - ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ**

**Бух МТИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси  
А.А.Абдуллаевич**

А.Авлоний ўзи яшаб ўтган давр жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иктисодий, сиёсий жараёнларга бефарқ қараб турган эмас. Февраль инқилоби воқеалари Туркистон ўлкасида ҳам вазиятни кескинлаштириди. Рус социалистлари вазиятни қўлга олиш мақсадида Советлар партиясини тузишга киришди. Туркистонда ҳам 4 (16) апрелда ўлка мусулмонларининг 1- қурултойи чақирилди. Тошкентда руслар ва мусулмонларнинг икки мустақил ҳокимиятини ўрнатиш ва шу орқали русларни ерли мусулмонлар устидан хукмрон бўлишини кўрсатарди. Ушбу қурултойда мусулмонларнинг барча масалаларда тенгҳукуқлилигини кўтариб чиқишиган эди. Бунга асосан Туркистоннинг бўлажак парламенти (“Ўлка мажлиси”) ўлкада яшовчи барча миллатлардан тенг асосида сайланмоғи керак эди. Бунда, А.З.Валидий маъруза қиласиди. Туркистонда қурилажак идора усули ҳақида сўз юритиб, федерал муҳторият ғояси илгари суриласиди. Лекин, бу ғоя кўпчиликка маъқул бўлмайди. Кўзга қўринган зиёлийларимиз – М.Чўқаев, И.Шоҳиаҳмедов, “Вакт” журнали муҳаррири К.Бакир, қозонли машхур С.Мақсудийлар қарши чиқади. Мунаввар қори эса бетараф қолади. Беҳбудий ва А.З.Валидийларгина федерал муҳторият ғоясини қаттиқ туриб химоя қиласиди.

I (13) – II (23) майда Москвада Умумрессия мусулмонлари қурултойи бўлиб ўтади. Бунда ҳам федерал муҳторият масаласи кўриб чиқиласиди. Туркистондан Убайдулла Хўжаев муҳторият масалаларини химоя қилган холда сўзга чиқиб нутқ сўзлайди. Москва қурултойи ҳам бу ғояни маъқуллайди. Туркистондан борган 7 нафар киши : У.Хўжаев , А.З.Валидий , Абдухолиқ ўғли Кўқонбой , Раҳмонберди ўғли мулла Камолиддин , Ўринбой ўғли Мулла Султон – умумрессия Мусулмонлари Марказий Шўросига сайланадилар. Тошкентда “Мусулмон Марказий Шўроси” га раислик қилиш Мустафо Чўқаевга топширилди. Ўлка мусулмонларининг сентябрь ойи бошида бўлиб ўтган 3-қурултойи хокимиятни Советларга беришга қарши қаратилган эди. Лекин, 18 (30) сентябрдаги Советларнинг II – ўлка съездидаги эса хокимиятни беришни талаб қилиб чиқади.

А.Авлоний тузган “Турон” жамияти ҳам бу таъсирлардан четда қолмади. Унинг фаолларидан Низомиддин Хўжаев кейинроқ Озарбайжондан Маҳмад Амин Афандизода келиб қўшилгач, жамият “Турк федералист” фирмасига айланиб қолди. Айни пайтда Туркистонда юз бераётган очлик, қаҳатчилик кучайиб борар эди. Еттисувдаги маҳалий халқнинг серҳосил ерлари рус муҳожирларига тортиб олиб берилган эди, қаршилик кўрсатганларни аёвсиз жазолаш буюрилганди. Манашундай алғов-далғов вактда А.Авлонийни озиқ-овқат комиссисига назорат килувчи вакил, кейинчалик аъзо этиб тайинлашади. Кўконда Туркистон муҳторияти ташкил

етилгач, юрагида Ватан ва миллат туйғуси қолган ҳар бир Туркистонликлар катта қувонч билан кутиб олади. Унга бағишланган бир қанча шеърлар пайдо бўлади. Бу борада Авлоний ҳам кўплаб шарқия машқлар ёзди. Шарқиячилик инқилоб даврида жуда кенг тус олади. Бунинг сабаби ҳаммага маълум бўлиб оммага руҳий куч бериш эди. Авлоний ўша йиллари “Хуррият марши”, “Қизил таёқчилар марши”, “Толиби илм марши” каби бир қанча маршлар яратди. Унинг “Хуррият марши” шеърида Туркистонни хуррият билан табрик этади, уни “хур бўлиб яшашга”, “бир бўлиб яшаш”га ундейди :

Хур бўлиб яша, бир бўлиб яша !  
Ҳамла жавобни эмди сен ташла !  
Шонли хуррият – Туркистонники,  
Шонли Туркистон – ишлагонники !  
Барча ишчилар хуррият – сизнинг,  
Жаҳлу зулмдан барчангиз безинг !

Лекин, афсуски, мухториятни большевиклар томонидан инқилобга хиёнат сифатида баҳоланиши, уни қонга ботирилиши билан тугади. Бу вақтда Авлоний Тошкент Советида расмий хизматда бўлганлиги ва бундай ноҳуш воқеалар унинг қалбida чуқур бир из қолдиргани шубҳасиз. Лекин Ватан истиқлонини ҳар нарсадан устун қўйган Авлоний Туркистон мухториятини чин дилдан олқишлиб кейин йўқ қилинганидан қайғургани аниқ. Авлоний бу воқеалардан кейин ўқитувчилик қилиш билан шуғулланади. Унинг архивидан Қозонга борганлиги ва “Болгар” меҳмонхонасида яшаганлиги қайд қилинган.

Қозонда бўлиб ўтган Бутун руссия мусулмон ўқитувчиларининг II – сеъздида вакил сифатида қатнашади. 1917 йилда маҳаллий муаллимлар ўртасида сиёсий ишларни олиб борувчи “Ўқитувчилар союзи” ни тузади. 1918 йилда Коммунистик партиясининг аъзоси этиб сайланади. 1919 йилда Туркистон Марказий Ижроия Комитетига аъзоликка чақиртирилади ва “Иштирокион” газетасини мұхаррирлиги вазифасини бажариш топширилади. 1919 йил июнида РСФСР хукуматининг топшириғи билан Афғонистонга консул сифатида юборилади . 1920 йилнинг 20 июлигача Ҳиротда бош консуллик вазифасида ишлади.

Авлоний Афғонистонга сафари тўғрисида “Афғон саёхати” хотираларида шундай фикрларни билдиради : “Оҳ, на инсоният, на баробарлик, на социалистик, на миллат тафриқ қилмайдурғон интернационалистлар дунё юзинда топилурмикан ?, - Балки бордур, топилур, лекин вужуди анқонинг тухумидек камёб эканлигини Афғон сафарига чиқғонда аниқ билдим. Афғонистонга чиқғон беш ҳайъати ваколанинг ичидаги биргина мусулмон ман ўлдиғимда ҳар бир оғир меҳнатлар, ҳар бир кулфат ва азиятлар мени устимға юкланди ... Ўртоқ Бровин<sup>1</sup>. Афғон тупроғига ўтгандан сўнг ўзини (нг) жenerали чор ноил эълон қилмиш эди ”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Н.З.Бровин – РСФСРнинг Афғонистонга юборган ҳайъати ваколаси бошлиғи.

<sup>2</sup> А.Авлоний . Афғон саёхати , қўлёзма , 64-бет.

А.Авлоний 1920 йилга келиб соғлиги ёмонлашгани учун Афғонистондан қайтариб олинади ва Туркбюронинг маданият ишлари бўлимига бошлиқ этиб тайинланади. Ушбу йилларда “Касабачилик ҳаракати” журналида муҳаррирлик, “Қизил байроқ” газетасининг таҳир ҳайъати аъзоси бўлиб ишлайди. Авлоний 1921 йилдан бошлаб ўз фаолиятини маориф соҳаси билан боғлайди. Ўша йили Тошкентда ўлка ўзбек билим юртида ишлайди. 1923 йилда Тошкент хотин-қизлар билим юртида мудир. 1924 йилда В.И.Ленин номли ҳарбий мактабда ўқитувчилик қиласди. 1925 – 30 йиллар мобайнида Ўрта Осиё Коммунистик университети ( САКУ) , Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги мактаби ( САВКСКШ), Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ) да дарс бера бошлайди.

Адиднинг шахсий архивидан яна шу нарсаларни кўриш мумкинки, унинг драматургия йўналиши бўйича ҳам асарлар яратганлигига ишонч хосил қилиш мумкин. Унинг “Португалия инқилоби”, “Адвокатлик осонми”, “Пинак”, “Биз ва Сиз” каби драмалари шулар жумласидандир. Адиднинг биргина “Португалия инқилоби” драмасини олайлик. Бу асар 20-йилларда саҳнага қўйилган. 1924 йилда нашрга ҳам тайёрланган . Унда Португалияда шоҳлик тугатилиб, Республика деб эълон қилиниши ҳамда Португалияда сиёсий озодлик ва мустақиллик йўлида бўлиб ўтган қўзғолон билан Туркистонда бўлиб ўтган қўзғолонлар ўртасида маълум бир ўҳшашлик муштарақлик борлигини билиш мумкин.

Авлонийнинг асл мақсади оммани ижтимоий-сиёсий уйқудан уйғотиш, инқилобий кайфиятга тайёрлаш, маслак ва унинг йўлида фидойилик кўрсатиш бўлса, иккинчидан, тил, урф-одат, эътиқод ва турмуш тарздаги яқинликни кенг оммага етказиб беришдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам адиднинг “мақсадимиз зоҳирда театру бўлса ҳам, ботинда Туркистон ёшларининг сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга хозирлов эди ” деган фикрлари яна бир карра ўз ифодасига эга. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инқилобий тўнтаришлар давридаги фаолиятлар адаб ижодида қанчалар таҳликаларни келтирган бўлсада, у бир томондан инқилобга катта умид қилган эди. Иккинчи томондан унинг ўзгаришларидан қаноатланмади. Тўғрироғи, юртнинг иқтисодий талон-тарож қилинаётганлигини, маҳалий халқقا ҳеч қандай ҳуқуқ ва эркинликлар берилмаганлиги, чекланганлиги, асрлар давомида кўз қорачиғидек асраб келинган удумлар, миллий анъаналар оёқ ости бўлаётганини , дин-диёнат емирилаётганлигини кўриб қаттиқ изтиробга тушганлиги маълум.